



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:
2 январь — чоршанба;
22 март — жума;
2 сентябрь — душанба.
2. 2019 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

- 5 январь — шанба 3 январь — пайшанбага;
1 июнь — шанба 6 июнь — пайшанбага;
7 сентябрь — шанба 3 сентябрь — сешанбага;
28 декабрь — шанба 31 декабрь — сешанбага.
3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан қасаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари: аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан қасаба уюшмалари ташкилотларининг иштини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 ноябрь

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОҚЎМИ

ЯНГИ РАИСНИНГ ТАЛАБИ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

2018 йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари қошидаги 19 жамоатчилик қабулхонасига мингта яқин мурожаат тушган. Шундан 75,5 фоизи ижобий ҳал этилган, қолганлари бўйича тушунтириш берилган. Ангрен шаҳар, Бекобод, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл туман кенгашлари мурожаатларга етарлича эътибор қаратмаётгани аниқланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИ




Сенатор ШОТЎЛГАНОВ олган суратлар.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ШАРТЛИ РАВИШДА МАЪҚУЛЛАНДИ 2

ОБУНА — 2019

ГАЗЕТА ЎҚИГАН ОДАМ ЮТҚАЗМАЙДИ



Элибой ТАНИЕВ,
Пастдарғом туманидаги «Умсин
момо» фермер хўжалиги раиси,
халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП
гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган пахтакор, «Эл-юрт
хўрмати» ордени соҳиби:

— Болалигимдан китоб ўқишни ёқтирганман. Газета мутлоаа қилиш ҳам жону дилим эди. Бугун ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Қўш олий маълумотли фермерман. Асосий вақтим далада ўтади. Лекин «Ўзбекистон овози», туман ва вилоят газеталарини қўлдан қўймасликка ҳаракат қиламан. Улардан ўзимни қизиқтирган мавзулардаги мақолаларни қидираман. Ҳатто эътиборларини оила даврасида муҳокама қиламиз. Ўзимча, фарзандларим ва набираларимнинг газетхонлигини синаб кўраман.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ўқувчисига айланганимга 40 йилча бўлди. Ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқишни одат қилдим. Негаки, бугун партиямиз аъзолари, ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақидаги мақолалардан ташқари, иқтисодиёт, таълим, маданият, маърифат соҳаларида ҳам қизиқарли мақолалар бериб борилади. Шунинг учун ҳам ҳар йили севимли нашримга обуна бўламан. Бу йил ҳам шундай қилдим. Баъзан дўстларим «бу

газетага нега бунчалик ихлос қўйгансиз?», деб сўрашганда, «Ўзбекистон овози» билан яқинроқ танишсанг, унга бир умр боғланиб қолсан», дейман уларга фахр билан.

Шу кунларда обуна тўғрисида ҳар хил гаплар қўлоғимга чалинапти. Тўғриси, газета ўқиган одам ютқазмайди. Газета ўқишга кўникмаган киши эса буни тушунмайди.

Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаганман. Кейинчалик қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини битириб, туман хўжаликларида бригадир, бўлим бошқарувчиси, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифаларида ишладим. Севимли нашрим соҳамга оид янгиликлардан ҳам бохабар қилмоқда. Бу йил худудларда сув тақчиллиги сезилди. Бу борада ҳам газетада анчайин сермазун мақолалар берилди. Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тавсиялари акс этган мақолалар биз фермерларга ҳам қўл келади. Шу жиҳатдан ҳам «Ўзбекистон овози» газетасининг мазмун-мундарижаси мени қониқтиради, деб айта оламан.

Икки тақлифим бор: «Сўранг, жавоб берамиз», деган руқ қайта тикланса, оддий одамларга фойдаси кўп тегади. Шунингдек, ХДП аъзоларининг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар янада кўпайтирилса, яхши бўларди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига оид концепцияси — келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўзаро ўзвий боғланган экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва институционал бирлашган ҳаёт тарзини шакллантиришни ўз ичига олган ғоялар тизимини қамраб олган.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати бу мақсадларга тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, одамлар саломатлигини муҳофазалаш, иқсодиётни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланиб, уларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тuzилди.

Тошкент шаҳрида «Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш: Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон ва Грузияни қўллаб-қувватлаш» мавзuida ташкил этилган халқаро йиғилиш аввалида Ўзбекистон тажрибаси таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган талбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатлари вазирлик ва идораларининг 70 дан ортқ мутахассиси иштирок этди.

► Давоми 3-бетда.

ТОШКЕНТ ГРАН-ПРИСИДА 5-ЎРИН



Суратда: дзюдо бўйича халқаро турнир ғолиби Ҳикматилло Тўраев.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 3 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритди.

► Давоми 4-бетда.

«ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ»

кўрик-танлови бошланди

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичига старт берилди. Ушбу босқич 2018 йилнинг 1 ноябридан 15 декабрга қадар барча туман ва шаҳарларда «Ташаббус ва ғояларимиз мустақил Ўзбекистон тарақиёти учун!» шиори остида ўтказилади.

Кўрик-танловда иштирок этишни истаган 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, Ўзбекистон ХДПнинг аъзоси, фаол, ташаббускор хотин-қизлар туман, шаҳар партия кенгашларига мурожаат этишлари мумкин.

Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

ЁЛФИЗ АЁЛНИНГ УЙИ БУЗИБ ТАШЛАНДИ

Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қаерда яшайди?



3

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 13 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

*) Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АКШ
доллари
8271,27

1 Англия фунт
стерлинги
10731,15

1 Жанубий
Корея вони
7,32

1 Канада
доллари
6261,84

1 Швейцария
франки
8227,66

1 Миср фунти
464,94

1 ЕВРО
9374,66

1 Россия
рубли
121,79

1 Япония
иенаси
72,67

1 Хитой
юани
1189,20

1 БАА дирҳами
2252,03

1 Австралия
доллари
5975,17

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ШАРТЛИ РАВИШДА МАЪҚУЛЛАНДИ



Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдоги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Мажлис кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ Ўзбекистон ХДП йиғилишларида ҳам атрофича муҳокама қилинган.

Хусусан, «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ушбу лойиҳа Президентнинг шу йил 27 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОҚЎМИ

ЯНГИ РАИСНИНГ ТАЛАБИ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг ижроия кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари масъулари, партия депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Ишга янгича ёндашишимиз кераклиги кўп таъкидланди. — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Нилуфар Юлдашева** (Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1 ноябрь куни ўтказилган пленумида сайланди). — Аммо, очигини айтсак, натижа кам кўриняпти. Энди ҳар бир туман партия кенгашининг фаолиятини қаттиқ назорат қиламиз. Вазифасига лоқайдлик билан қараганлар тегишли тартибда жазоланади. Виждонан, амалий натижа учун ишлаётганлар эса рағбатлантирилади.

Кейинги йил ниятда синовли бўлади. Шунинг билан камчиликларни бартараф этиш бўйича пухта тақлифлар устида ишлаймиз керак бўлади. Аввало, бошланғич тақлифларга алоҳи-

да эътибор қаратишимиз лозим. Жорий йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар «Бошланғич партия тақлифлари билан ишлаш ойлари», деб эълон қилинди. Шу вақт мобайнида 29 тақлифда бошланғич тақлифот тузилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари қўшиқдаги 19 Жамоатчилик қабулхонасига мингга яқин мурожаат тушган. Шундан 75,5 фоизи ижобий ҳал этилган, қолганлари бўйича тушунтириш берилган. Ангрен шаҳар, Бекобод, Куйи Чирчиқ ва Янгийул туман кенгашлари мурожаатларга етарлича эътибор қаратмаётгани аниқланди. Бу каби камчиликлардан қисқа фурсатда ҳулоса чиқаришимиз керак.

— Яхши натижага эришган туман партия кенгашларининг тажрибасини оммалаштириш лозим, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Алишер Юсупов**. — Партия гуруҳларимиз 24 масалани сессия-

Энди ҳар бир туман партия кенгашининг фаолиятини қаттиқ назорат қиламиз. Вазифасига лоқайдлик билан қараганлар тегишли тартибда жазоланади. Виждонан, амалий натижа учун ишлаётганлар эса рағбатлантирилади.



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлардаги қонсуллик муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат, яъни Қонсуллик устави 22 йил аввал қабул қилинган. Ўтган давр мобайнида миллий қонунчи-

лика киритилган ўзгаришлар, шунингдек, ҳозирги кунда шаклланган амалиёт, ҳорижий тажриба ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари мазкур ҳужжат такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, парламент куйи палатаси



Акавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Ўсимликлар карантини соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг самарасизлиги боис ушбу меъёрларни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж сезилди. Ҳозирги пайтда ўсимликлар карантини инспекторлари зарарланган ҳудудларни аниқлаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги экинлари майдонлари ва аҳоли томорқаларида назорат ўтказиб келинмоқда. Камчилик аниқланган тақдирда ер эгаларига ўсимликларни зарарсизлантириш учун мажбурий амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб бермоқда.

Президентимизнинг «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қароридан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар киритилган. Хусусан, карантин эълон қилинган зарарқуналларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария ёки бошқа хил қондаларини бузган фуқароларга энг кам иш

ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилмоқда. Ҳориждан келтирилиб, карантин текширувдан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш бўйича ҳам жавобгарлик қўйилмоқда.

Фракциямиз ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат назоратини қучайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, ўсимликларнинг карантини бўйича чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш тубдан ислоҳ қилинади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, ўсимликлар карантини ва фитосанитария талаблари бажарилишини тўлиқ таъминлашга ёрдам беради.

Фракция йиғилишида яна бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Хусусан, «Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялари олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялари олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси баҳо-мунозараларга сабаб бўлди. Лойиҳа мақсадининг тўлиқ очиб берилмагани ва моддалардаги бўшлиқларни тўлдириш кераклиги таъкидланди. Шу боис мазкур қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан шартли равишда маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТСИЗ

одамларни рози қилиб бўлмайди



Баҳром
ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Тиббиётда тўғри ташхис ярим даъво саналади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир тиббиёт муассасасида беморларга тўғри ташхис қўйиб, даволай оладиган малакали мутахассислар, асбоб-ускуналар, энг муҳими, тартиб-интизом бўлиши зарур. Бироқ соҳадаги ислохотларга қарамай, эскича ишлаш усулидан воз кечмаётган, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари амалиётга жорий эта олмаётган муассасалар ҳам йўқ эмас.

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари раислигида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилишида ана шундай ўткир муаммолар ҳақида сўз борди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экани, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди, соҳа ходимлари олдида турган устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, кейинги икки йил ичида Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди. Аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш

Бирор жойингиз оғриб, туман шифохоналарига борсангиз, кўнгилдагидек тиббий ёрдам ололмайсиз. Айрим жойларда ташхис қўядиган ускуналар йўқ бўлса, айрим пайтларда шифокорларнинг малакаси етишмайди.

Бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 янги ихтисослашган бўлим, 1200 тез тиббий ёрдам шохбчаси очилди. Эътиборлиси, бу йил тиббиёт соҳасига давлат бюджетидан 2017 йилга нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилди. Президент қарорига мувофиқ, тиббиёт ходимларининг ойлиги сезиларли даражада оширилди. Бу эса шифокор меҳнатига эътиборнинг янада ортаётганидан далолатдир.

Ҳўш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ушбу ислохотларга ҳамоҳанг равишда ижобий томонга ўзгардими? Бу саволга «ҳа», деб жавоб бериш мушкул. Айниқса, туманлар, чекка қишлоқларда кўрсатилаётган тиббий хизматда ўзгариш деярли сезилаётгани йўқ. Аҳолидан бўлаётган мурожаатлар эса ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг кўпчилигини кўрсатаяпти?..

Афсуски, чекка туманлардаги марказий шифохоналар ва поликлиникаларнинг моддий-техник базаси, малакали кадрлар билан таъминлаш даражаси ҳануз талабга жавоб бермайди. Бирор жойингиз оғриб, туман шифохоналарига борсангиз, кўнгилдагидек тиббий ёрдам ололмайсиз. Айрим жойларда ташхис қўядиган ускуналар йўқ бўлса, айрим пайтларда шифокорларнинг малакаси етишмайди. Натижада хасталанган одам ўз туманида даво топа олмай, катта маблағ сарфлаб, вилоят марказига, пойтахтга таъин қилинган тиббиёт муассасаларига келишга ёки чет элга кетишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда тизимдаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиш, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалардан тортиб марказий тиббиёт муассасаларигача тўлиқ қамраб олиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда аҳоли фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини эшитаяптимиз. Уларнинг мурожаатлари асосида камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриломоқда. Бироқ ҳар бир масъул шахс ўзини ўзи ўзгартирмас, ишини танқидий баҳолаб, вазифасига виждонан ёндашмас экан, муаммонинг илдирига етиб бўлмайди. Касалликларни даволаш усуллари кун сайин такомиллашиб бормоқда. Лекин кўп ҳудудларда ахвол эски ҳолатда, деярли ўнганмасдан қолмоқда. Ислохотлар бир-икки муассасаларда эмас, мамлакатимиз тиббиёт тизимида сезилиши керак.

Махлиё АЛИКУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

САВОБ ИШЛАР УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

дейди ўз жамғармасидан маҳаллада болалар футбол майдончаси қурган 90 ёшли Жаҳонгир ҳожи ота Усмонов

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманига қарашли Камолон дарвоза маҳалласи шундоққина Олий Мажлис биносининг рўпарасидаги тўққиз қаватли уйларнинг ортда. Маҳаллага кирарисида ўнг қўлда болалар боғчаси, чап томонда турли қурилмалар ўрнатилган болалар ўйин майдончаси. Давомида атрофи симтўр билан ўралган, сунъий қопламали ям-яшил футбол майдони. Ҳамроҳим — ЎЗДП фаоли, меҳнат фахрийси Носир Тоиров билан отахонни йўқлаб бордик. У футбол майдончасида бизни кутиб турган экан.

— Илгари бу жойлар Янгиобод маҳалласи ҳудудига қарашли эди, — деди Жаҳонгир ота. — Кейинчалик аҳоли сони ўсиши билан «Камолон дарвоза» маҳалла фуқаролар йиғини алоҳида ажратиб чиқди. Бу футбол майдончаси ўрнида жуда катта чиқиндиҳона бўларди, қарасангиз, кўнгилни хира қиларди, баъзан тутаб ётарди. Бир томонда тўққиз қаватли уйларда яшайдиган фуқароларнинг 70 дан ошди қаражлари жойлашган эди. Шу ердан ўтаётганимда «Маҳалла аҳли бирлашиб, шу жойни обод қилса бўлади», деб уйлардим. Охири шу ерда футбол майдончаси қурилиши ният қилдим. Чунки маҳаллада болалар учун спорт майдончалари йўқ эди.

Жаҳонгир ота пенсияга чиққанидан кейин ҳам 15 йил мобайнида маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи сифатида ишлади. 2003 йилда ҳамманинг жонига теккан чиқиндиҳонани йўқотиб, ўрнида маҳалла болалари спорт билан шуғулланиши учун майдонча қуришга киришди. Бунда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси уни қўллаб-қувватлади. Тегишли ташкилотлар кўмаги билан гаражлар олдирилди. Бу ердан 35 машина ахлат олиб чиқиб кетилди. Жаҳонгир ота Ҳаж сафарига, деб ният қилиб йиғиб қўйган маблағини спорт майдончаси қурилишига сарфлади. Узунлиги 55 метр, эни 20 метрлик спорт майдончаси, унинг ёнида болалар ўйин майдончаси қури-

либ, керакли ускуналар ўрнатилди.

— Маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли яшайди, яримдан кўпини ёшлар ташкил этади, — дейди отахон. — Улар дарсдан кейин кўча-кўйда бекор юрмасдан, шу ерга келишади. Футбол билан шуғулланаётган болалар 4 гуруҳга бўлинган, ҳар бирида 20-25 нафар бола бор. Улар мураббийимиз Ҳасан Тошпўлатов томонидан тузилган жадвал бўйича ҳар кун эрталаб ва кечки пайт машғулотлар ўтказишади. Биргина бизнинг маҳалламиздан эмас, кўшни маҳалладаги болалар ҳам шу ерда спорт билан шуғулланишади. Ҳаммага эшигимиз очик, машғулотлар bepul.

— Ўн икки-ўн тўрт ёшли болалардан иборат «Камолон» ўсмирлар футбол жамоаси бор, — дейди мураббий Ҳасан Тошпўлатов. — Болаларимиз жуда тиришқок, соатлаб машғулот ўтказамиз. 2017 йилда Фарғона вилоятининг Бешарик туманида ўтказилган «Пахтакор» — 79» Хотира турнирида фахрли 2-ўринни эгалладик. Яқинда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мусобақада ғолиб бўлдик. Ютуқларимиз кўп. Шу ерда футбол билан шуғулланишни бошлаган Забиҳилло Ўринов Ўзбекистон терма жамоаси таркибига ўйнамоқда. Биз бундан фахрланамиз албатта.

— Яхшиликнинг, савоб ишининг умри узун бўлади, дейишади, бу ҳақ гап, — дейди Жаҳонгир ота. — Маҳаллада қурилган спорт май-



Суратда: Жаҳонгир ҳожи ота «Камолон дарвозаси» футбол жамоаси аъзолари билан.

дончамиз республикага ўрнак қилиб кўрсатилди, қарангки, шу туйфайли қутилмаганда 2005 йилда давлат томонидан сафар харажатлари қопланган 25 нафар фуқаролар сафида ҳаж зиёратини адо этиш менга ҳам насиб этди. 2015 йилда спорт майдончаси ташкил этилганининг 15 йиллигини тантанали байрам қилдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев маҳалламизга келганида футбол майдончасини кўрди, болалар ва ўсмирлар қизикадиган спорт турларини кўпайтириш бўйича қимматли маслаҳатлар берди.

Яқинда шахмат клубини ташкил этдик. Ҳар кун тунг сахарлаб спорт майдончасини айланиб чиқаман, жадвал бўйича машғулотларга келаётган болаларни кузатаман. Уларнинг сафи кенгайиб бораётганидан қувонаман.

— Жаҳонгир ота болажонларимизнинг севимли бобожони, —

дейди 491-мактабгача таълим муассасаси мудири Саодат Убайдуллаева. — 45 нафар тарбияланувчимиз спорт майдончасида кичик гуруҳ таркибида машғулотларга қатнашади. Болаларни ҳар кун бу ерга олиб чиқамиз.

— Маҳалламиз ҳудудига кўп қаватли уйларда 630 хонадон бор, 319 оила ховлиларда истикомат қилади, — дейди «Камолон дарвоза» маҳалла фуқаролар йиғини оксоқоли Омонжон Тоҳирев. — Аҳолининг 25-30 фоизга яқинини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти шу ерга келиб, спорт билан шуғулланади. Сиз эрталаб ёки кечки пайт келиб кўринг, спорт майдончаси ёшларга тўлиб кетади. Бу ерга кўшни Камолон, Янгиобод маҳалласидан ҳам ёшлар келишади.

— Спорт билан шуғулланган бола қинғир ишларга қўл урмайди, вақти ҳам бўлмайди, — деди

Шайхонтоҳур туманига қарашли 2-ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шокир Жумаев. — Туманимиздаги «Камолон дарвоза» ҳамда Каттабўғ маҳалла фуқаролар йиғинида спорт майдончалари бор. Бошқа маҳаллалар билан таққослаганда, ана шу маҳаллаларда жиноятчилик, майда безорилик кўринишлари 40-50 фоиз камайган. Ҳар бир маҳаллада спорт майдончалари, тренажёр заллари бўлса, болалар жон-жон деб спорт билан шуғулланарди. Фақат маҳаллий ҳокимият томонидан жой ажратилса бўлди, ҳар бир маҳалладан тадбиркор топилади...

Дарҳақиқат, Жаҳонгир ота Усмоновнинг ибратли ишлари ўрнак олишга муносиб, деб ўйлаймиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига қиличбозликнинг шшага тури бўйича Сателлит турнири бўлиб ўтди. Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилган бу турнирда Индонезия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Покистон вакиллари иштирок этди.

«САТЕЛЛИТ» ТУРНИРИ ҒОЛИБЛАРИ

— Ушбу мусобақа юртимизда ўтказилаётган иккинчи нуфузли халқаро турнир ҳисобланади, — дейди «В» категорияли халқаро тоифадаги ҳакам Ортик Бўриев. — Биринчи марта 2015 йилда Тошкентда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилган эди. Бундан кейин халқаро мусобақалари юртимизда кўпроқ ўтказмоқчимиз. Буни хорижий мутахассислар ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Мусобақа давомида улар билан суҳбатлашганимда, бошқа давлатларга қараганда бу ерда меҳмонларни кутиб олиш ва турнирнинг очилиш маросими юқори савияда бўлганини айтишди.

— «Сателлит» мусобақаларига тайёргарликни 6 ой давомида Россия, Япония ҳамда Германия давлатларида олиб бордик, — дейди — қиличбозлик бўйича терма жамоа мураббийи Бахтиёр Фаниев. — Ушбу давлатлар мураббийлари билан бирга тажриба



алмашдик. Бу турнирда сараланган энг кучли 13 нафар спортчимиз иштирок этди. Уларнинг барчаси турнирнинг биринчи босқичдан муваффақиятли ўтди. Биз ҳозирда шогирдларимизнинг иштирокидан қониқамиз.

— Мусобақа спортчиларимизга хорижга чиқмасдан туриб, халқаро рейтинг очоқларини йиғиш имконини берди, шу жиҳати бизга қулай бўлди, — дейди турнирда биринчи ўринни қўлга киритган Файзулло Алимов. — Рақиб жамоаларимиз таркибиде тажрибали ва профессионал спортчилар бор. Улар билан куч синишиб тажрибамизни оширдик.

Сателлит турнирида ҳамюртларимиздан Файзулло Алимов ғолиб бўлди. Роман Александров иккинчи, Нодирбек Мўминов ва индонезиялик Виллиансх Анги учинчи ўринни эгаллади.

ТОШКЕНТ ГРАН-ПРИСИДА 5-ЎРИН

— Унда дунёнинг 50 га яқин давлатидан 350 дан ортиқ спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди. «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтган беллашуларда ватанимиз шарафини эркаклар ўртасида 28, аёллар ўртасида 23 нафар дзюдочи ҳимоя қилди.



Ҳикматулло Тўраев 73 килограмм вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Дийрбек Ўрозбоев, Сардор Нуриллаев ҳамда Бекмурод Олтибоев кумуш, Шаҳрам Аҳадов бронза медали билан тақдирланди. Ушбу натижа билан Ўзбекистон терма жамоаси норасмий ҳисобда 47 мамлакат орасида бешинчи ўринни эгаллади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Шаҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА

ХОНАДОНЛАР, КЎЧАЛАР ЧАРОҒОН



Рустамжон Эшонов олган сурат.

Андижон вилоятида 17,6 миң километр ҳаво линияси, 125 та ним станция ҳамда 6 миң 767 трансформатор пункти орқали аҳоли хонадонларига, улғуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилаяпти. Қишлоқларда янги лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларга электр тармоқларини тортиш ишлари режалли бажарилмоқда.

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан «Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятида ўтказилган семинарда «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг бажарилиши, истеъмолчиларга техник хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, соҳага янгича ёндашув масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— «Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятининг ўқув маркази ишчи-ҳодимлар малакасини оширишда алоҳида ўрин тутди, — дейди Андижон вилоят ним станциялар чилангари Толибжон Эсонов. — Ўқув марказида олиб берилган изланишлар натижада инженер-техник ҳодимлар ўртасида муҳокама қилинади, тажриба тариқасида синаб қурилади. Янгиликлар корхонамизда кенг қўлланилади. Ҳозир шу тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш давом этапти. Механик қурилмалар ўрнига вакуумли турдош қурилмалар

ўрнатилаяпти. Бу электр энергиясининг тежамкорлигини, сифат даражасини оширади.

Андижон туманидаги трансформаторларни таъмирлаш устанонаси фаолияти талабларга мос тарзда янгича ташкил этилди. Тадбирлар тизимли бажарилаяпти. Автоматик тарзда электр энергиясини назорат қилиш ва бошқарувга ўтилди. Бу истеъмолчиларга ҳам, хизмат кўрсатувчиларга ҳам қулай.

— Андижон, Хонобод шаҳарлари, Андижон, Олтинқўл туманларидаги 26 миң 714 аҳоли, 3 миң 560 юридик истеъмолчининг энергия сарфи назорати ва бошқарувини амалга ошириямиз, — дейди электр энергияси истеъмолини автоматик тарзда масофадан туриб назорат қилиш ва бошқарув гуруҳи раҳбари Равшанбек Ҳақимов. — Техмакорлик борасида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёямиз. Масалан, люминесцент лампалар чўгланма лампаларга нисбатан 5 баравар, диодлилари эса 10 баравар кам энергия сарф қилишидан кўпчилик хабардор. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир хонадонда 10 донга 100 ваттлик чўгланма лампа 10 ваттлик диодлига алмаштилса, бир йилда 1802 283 сўм маблағ иқтисод қилинади.

Семинар иштирокчилари Олтинқўл туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ташкил этилган кўргазма-

да электр, иссиқлик энергияси таъминотини мувофиқлаштириш, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, ҳодимларни тўғри танлаш, жойлаштириш ва меҳнат муҳофазаси бўйича олиб бориладиган ишлар билан танишди.

Марҳамат туман электр тармоқлари корхонаси жамоаси томонидан муқобил манбаларни ишга туширишда изланишлар олиб борилмоқда.

— Сув оқими орқали кичик станцияларни ишга тушириямиз, — дейди корхона раҳбари Хусанбой Аҳмедов. — Генератор кўмагида соатига 22 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарадиган кичик гидростанция Оқбўғ маҳалласидаги 17 хонадонни чароғон этмоқда. Жорий йилининг ўтган даврида туман ҳудудига 12 трансформатор пункти қурилди. Истеъмолчиларга узлуксиз, сифатли энергия етказиб берилмоқда.

— Семинарда андижонлик ҳамкасбларимизнинг ибратли ишлари билан яқиндан танишдик, — дейди «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти бош директори Соатбой Яхшимуродов. — Инновацион технологиялардан, замонавий ускуналардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мухими, янгилик ижодкорлари шу корхонанинг инженер-техник ҳодимлари экан. Биз ҳам ана шу янгиликларни амалиётга жорий қилиш ниятдамыз.

Андижоннинг ободлиги ҳар қадамда кўриниб турибди. Замонавий ёритиш мажмуаси шаҳар оқшомларини чароғон этмоқда. Ишга янгича ёндашиш, тизимли тажриба «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг бажарилиши, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишда ўз натижаларини бераптир.

Семинарда «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Рўзжол Райимов, Андижон вилоят ҳокими ўринбосари Иброҳимжон Холматов иштирок этди.



ЭНГ МОҲИР ҚИЛИЧБОЗЛАР ТОШКЕНТДА ЖАМ БЎЛАДИ

Халқаро қиличбозлик федерацияси қарорига мувофиқ Тошкентда 17-18 ноябрь кунлари ўсмир-қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан қиличбозлик спортининг барча ихлосмандлари, ОАВ ҳодимларини Гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига таклиф қиламиз.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси
матбуот хизмати.

Спорт мажмуаси манзили: Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Корхончиота кўчаси, 2-А уй.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1138. 6523 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 21:55.

Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 6